## СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

**СОВЕТЛАР мамлакати дадил одим билан ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги, якунловчи йилига, КПСС XXVII съездига актив тайёргарлик кўриш йилига қадам қўймоқда. Меҳнат коллективларида 1984 йил план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, келаётган янги йилни дадил бошлаш учун пойдевор яратиш йўлида астойдил кураш олиб борилмоқда. Улуғ Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенгаймоқда.**

# ҲАР БИР МЕҲНАТКАШНИНГ ШОН-ШАРАФ ИШИ

## 21 ДЕКАБРЬ—ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

БУ йил ўзининг олтмиш йиллигини нишонлаган республикамиз меҳнаткашлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган йил бўлди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табриги юбилей тантаналарига кўтаринкилик бағишлаб, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини социалистик Ватан фаровонлиги йўлида янги бунёдкорликларга руҳлантирди.

Совет кишилари КПССнинг халқ хўжалигини бир текисда ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлашга, ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштиришга қаратилган изчил йўлини муваффақиятли амалга ошириш учун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Партиянинг иқтисодий стратегиясида аграр сиёсат масалалари муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан партия изчил фаолиятининг янги далили бўлди. Бу Пленум Узоқ муддатли мелиорация программасини ва ўн иккинчи беш йилликда ҳамда 2000 йилгача суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўл-йўриқларини маъқуллади.

Пленум қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида агросаноат комплексини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари асослаб берилди, мелиорациянинг мунтазам равишда гарантияланган ҳосил олишдаги ролини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хомашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари конкретлаштирилди, совет экономикасини ривожлантиришнинг янги актуал вазифалари қўйилди.

Қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон ССР учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Негаки бутун маҳсулотнинг 95 процентини бизда суғориладиган ерлар бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми, Тошкент область партия комитетининг VI пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни республикамиз ва областимиз учун конкретлаштирди, қишлоқ хўжалик самарадорлигини ошириш ва уни юксалтиришнинг бундан буёнги йўлларини аниқлаб берди.

Ўзбекистоннинг, шу жумладан пойтахт область меҳнаткашларининг сув хўжалиги қурилишидаги, илгари кимсасиз қақраб ётган ерларни ўзлаштиришдаги ютуқлари чиндан ҳам улкандир. Жуда катта капитал маблағлар сарфланиши, бутун мамлакатнинг саҳий ёрдами Совет ҳокимияти йилларида суғориладиган ерлар майдонини қарийб уч марта кўпайтириш, гарантияланган юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўп баравар кўпайтириш имконини берди.

Бу иш КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин айниқса кенг қулоч ёзди. Ўтган йиллар мобайнида Совет ҳокимияти йилларида ўзлаштирилган суғориладиган майдонларнинг қарийб ярми фойдаланишга топширилди. Қўриқ ерларни мелиорациялаш ва ўзлаштириш бўйича катта ишлар қилинди. Мелиоратив қурилишнинг қудратли саноат базаси барпо қилинди. Сув хўжалигида юксак инженерлик даражасига эришилди. Бугунги кунда қўриқ зоналарда 160 та совхоз ишламоқда, 340 мингдан ортиқ янги ишчи ўрни вужудга келтирилди, бу ерларда миллион кишидан ортиқ аҳоли яшамоқда. Агросаноат комплекси тубдан ўзгарди, пахтанинг ялпи ҳосили, қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари анча кўпайди, чорвачиликни ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилди.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларида, Узоқ муддатли мелиорация программасида республика халқ хўжалигини юксалтиришнинг янада катта истиқболлари белгиланган.

2000 йилгача бўлган кейинги истиқболда, Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдонини 5—5,5 миллион гектарга етказиш назарда тутилади. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини мамлакат жанубига, шу жумладан республикамизга юборишни лойиҳалаш тугатилади. Сибирь — Ўрта Осиё канали қурилишининг конкрет муддатларини аниқлаш тўғрисидаги масала амалий йўлга солинади. Буларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг Ўзбекистонни ривожлантиришнинг туб масалаларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборининг яққол намунасидир.

Партия олдинга қўяётган вазифалар Тошкент области учун муҳим аҳамиятга эга, бу областда ҳозирги вақтда суғориладиган ерлар умумий экин майдонининг 80 процентдан ортиғини ташкил этади. Бундай ерлар 1965 йилдагига нисбатан 11 процентга кўпайди.

Ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг уч йили ичида ерларни мелиорациялашга 445 миллион сўм сарфланди, ўнлаб минг гектар янги ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди ва 76 минг гектар эски ҳайдаладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Шу вақт ичида Оҳангарон сув омборининг биринчи ва иккинчи навбати, Паркент каналининг биринчи навбати қурилди, 690 километр суғориш каналлари бетонлаштирилди, 30 та насос станцияси фойдаланишга топширилди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Коммунистик ва Паркент районларининг тоғ ёнбағирларида мева-сабзавот етиштирадиган янги зона вужудга келтирилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа катта тадбирлари билан биргаликда олиб борилиб, область бўйича беш йилликнинг ўтган уч йили ичида пахта ҳосилини 1,5 баравар ошириш, каноп, дон, мева-сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум тайёрлашни кўпайтириш имконини берди. Ҳозир область хўжаликлари суғориладиган ерларда йилига ўртача 4 миллион тоннага яқин деҳқончилик маҳсулоти тайёрламоқда.

Мелиорацияни ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан ўн иккинчи беш йилликда янада катта ишлар амалга оширилади. Давлат капитал маблағлари ҳисобига минглаб гектарга яқин янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мўлжалланмоқда.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш ишда тартибни йўлга қўйиш, интизом ва уюшқоқликни кучайтиришни талаб қилади. Область партия комитетининг VI пленуми мавжуд камчиликларни тугатишга, мелиорация ва сув хўжалигининг муҳим проблемаларини ҳал этишга, суғориладиган деҳқончиликнинг потенциал имкониятларидан моҳирона фойдаланишга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқди, айрим хўжаликларда суғориладиган экин майдонлари ҳосилдорлиги пасайиб кетганлиги, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда йўл қўйилаётган айрим камчиликларга эътиборни қаратди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив усуллари суст жорий қилинмоқда. Малакали кадрларни тайёрлаш ва иш жойида мустаҳкамланиб қолишига етарли эътибор берилмаяпти. Сув хўжалиги қурилишини янада такомиллаштириш ва бу ишнинг сифатини яхшилаш керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва меҳнат интизомини бузишларга қарши курашни кучайтириш, иш вақти йўқотилиши, техника ва механизмларнинг ишламай туриб қолишининг олдини олиш керак. Мавжуд ремонт ва сув хўжалиги ташкилотлари индустриал базасининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш билан чамбарчас боғлангандир. Қишлоқ жойларда мактаб, болалар ва даволаш муассасалари тармоғи тўхтовсиз ривожланиб бормоқда, маданий-маиший, савдо хизмати яхшиланмоқда. Бироқ қишлоқни социал қайта ўзгартиришни жадаллаштириш учун янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлаш зарур.

Тошкент области шароитида мавжуд суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Бир қатор хўжаликларда мелиоратив системалар етарлича ривожлантирилмаган, улардан ёмон фойдаланилади, тиклаш ишлари ўз вақтида олиб борилмайди.

Ер фонди, ихота дарахтлари полосаларини сақлаш юзасидан назорат бўшаштириб юборилган. Кўпгина майдонлар шамол эррозияси, гармселлардан зиён кўрмоқда. Ҳали ҳам суғориладиган майдонларни талон-тарож қилиш, мелиоратив жиҳатдан тайёрланмаган майдонларга экин экишга йўл қўйилмоқда.

Пленум капитал сарфлар структурасини қайта кўриб чиқиш вазифасини қўйди. Илгари суғориб келинган майдонларни мелиорациялашга ажратиладиган маблағларни кўпайтириш, бу массивларни планлаштириш ва лойиҳалаш, уларни реконструкциялашга муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир хўжалик, район, область учун қайта қуришнинг ягона пухта схемаси ишлаб чиқилиши керак.

Ерларни сув билан таъминланишини яхшилаш юзасидан ҳам катта вазифалар турипти. Юқори ва Шимолий Тошкент, Жун, Хандам ва Полвонов номли каналларни реконструкциялашни тезлаштириш керак. Суғориладиган тармоқларни бетонлаштириш ҳам муҳим резерв ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ички ва хўжаликлараро суғориш ариқларининг атиги беш процентигина бетонлаштирилган.

Узоқ муддатли мелиорация программасини амалга ошириш халқ хўжалик планларини бажариш билан чамбарчас боғлангандир. СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларида мамлакатни ва республикани 1985 йилда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг давлат планлари тасдиқланди. Ўзбекистон экономикасининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришнинг юксак суръатлари белгиланди. Якунловчи йилда меҳнат унумдорлигини 1984 йилдагига нисбатан саноатда 3,4 процент, капитал қурилиш ва қишлоқ хўжалигида 3,5 процент оширишни таъминлаш назарда тутилади.

Белгиланган марралар Тошкент области меҳнаткашларидан меҳнат активлигини оширишни талаб этади. Областимиз меҳнат аҳли бу вазифаларни бажаришга астойдил киришган. Область саноати 10 августда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари бўйича беш йилликнинг тўрт йили планини бажарди. Топшириққа қўшимча йил охиригача 400 миллион сўмликдан ортиқроқ товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Шу йилнинг ўн бир ойи ичида планга қўшимча 50,7 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигининг планга қўшимча ўсиши бир процентни ташкил этди. Олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи 35 процентни ташкил этди. Меҳнаткашларга кўрсатилаётган хизмат ҳажми 8,8 процент, товар обороти 3,3 процент ортди.

Қишлоқ меҳнаткашлари ва қурувчилар 2,5 минг гектардан ортиқ янги суғориладиган ерларни ўзлаштирдилар. Давлатга 437 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бу пландагидан 12 минг тонна кўпдир.

Пахта ҳосилининг сифати яхши бўлишига эришилди. Ундан тола чиқиши пландагидан 1,4 процент ортиқдир. Каноп, жун, пилла, сабзавот ва полиз экинлари, узум, картошка тайёрлаш планлари ошириб бажарилди.

Шу билан бирга эришилган натижалар хотиржамликка берилишга асос бўлмайди. Бугунги кун вазифалари меҳнат коллективлари куч-ғайратини тўла сарфлашни талаб қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1984 йил 15 ноябрда бўлган мажлисида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлаб, халқ хўжалигидаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш зарурлигига, беш йилликни муваффақиятли якунлаб, экономикани интенсивлашни тезлаштиришга алоҳида эътиборни қаратди. «Белгиланган ҳамма режаларни амалга ошириш соҳасидаги аниқ ва собитқадам ишни ташкил этиш вазифаси энди биринчи ўринга қўйилмоқда,— деб таъкидлади К. У. Черненко.— Масала шу тарзда турибди: план сўзсиз бажарилиши, имконияти ва зарурати бўлган жойларда эса ошириб бажарилиши керак».

Ана шу кўрсатмалар асосида ҳозирги вақтда область меҳнат коллективларида фонд самарадорлигини ошириш, ускуналар сменавий коэффициентини оширишга қаратилган тиғиз планлар қабул қилиш бўйича катта ишлар авж олдириб юборилди. Дастлабки хомчўтларга кўра товар маҳсулоти ишлаб чиқариш суръати 1985 йилда 1984 йилдагига нисбатан олти процент ортади. Бу кейинги йилларда биринчи марта фонд самарадорлиги пасайишини тўхтатишга ва уни қарийб 4 процент кўпайтиришга олиб келади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти камида 2—3 процент кўпаяди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллашга қараб бутун ишимизга баҳо берилади.

Ҳамма тармоқлар, барча коллективлар учун умумий вазифа — бу хўжаликни яхшироқ юритиш, янада яхшироқ натижага эришиш, ресурслардан самаралироқ фойдаланишдан иборат. Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги шароитлари ресурсларни тежашга принципиал жиҳатдан бошқача ёндашишни талаб қилади. Ресурсларни тежаш бугунги кунда ишлаб чиқариш ўсишини таъминлашнинг энг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда.

Эндиликда ҳар бир меҳнат коллективи илғор корхоналардан ўрнак олиб, тежалган материаллар, хомашё ва ёнилғи ҳисобига йилига икки кун ишлаш вазифасини ўз олдига қўймоқда. Икки иш кунига ҳисоблаганда материал сарфларини қисқартириш мамлакат бўйича 3,5 миллиард сўмликдан кўпроқ, республика бўйича 189 миллион сўмлик, Тошкент области бўйича 77 миллион сўмлик ресурсларни тежаш имконини беради. Ана шу тежамкорлик фонди маблағлари социал эҳтиёжларга ва биринчи галда аҳолига медицина хизматини яхшилашга сарфланади.

Ўн биринчи беш йиллик якунловчи йили арафасида ҳар бир меҳнат коллективидаги иш аҳволини таҳлил этиш, таннархни пасайтириш резервларини излаш, бригадалар ва иш жойларида шахсий тежамкорлик ҳисобларини жорий этиш, қолоқ участкаларга таъсир кўрсатиш ва уларни илғорларга етказиб олиш муҳимдир.

Корхоналарнинг коллективлари аввало барча номенклатура ва ассортимент бўйича маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажаришни таъминлашлари зарур. Ишга тушириладиган қурилиш объектларида куч-ғайратни ошириш керак. Айниқса, уй-жой қурилишига эътиборни кучайтириш талаб қилинади. Чунки бу соҳада пландан орқада қолиш ҳоллари кўп жойларда учрайди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари олдида катта вазифалар турипти. Ҳозир келгуси ҳосилга замин яратилмоқда. Кузги-қишки ишларни кенг кўламда олиб бориш, шудгорлашни тезроқ тугаллаш, ерларга яхоб суви беришни тезлаштириш, техника ремонтини жадаллаштириш, далаларга органик ўғитлар ташиб чиқаришни кучайтириш керак.

Чорва қишлови партия комитети, совет ва хўжалик органларининг қаттиқ назоратида бўлиши лозим. Ҳар бир хўжаликда қишловни муваффақиятли ўтказиш тадбирлари амалга оширилиши, давлатга гўшт, сут, тухум сотиш топшириқларини областдаги ҳар бир хўжалик ва ферма кўпайтириши учун барча ресурслардан имкони борича фойдаланилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми олдинда турган вазифаларни бажаришда бошланғич партия ташкилотларининг экономикага партия раҳбарлигини амалга оширишнинг асосий кучи сифатидаги ролини алоҳида таъкидлади. Ўтган ҳисобот ва сайловлар қуйи партия бўғинларининг обрўси ва таъсир доираси кучайганлигини кўрсатди. Бироқ область партия комитетининг VI пленумида таъкидланганидек, уларнинг айримлари ҳали ҳам қатъият, ташаббускорлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар. Меҳнат коллективларининг муттасил қолоқлиги билан келишиб келмоқдалар, салбий ҳодисаларни ўз вақтида очиб ташламаяптилар, ўткир масалаларни четлаб ўтмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ҳал қилувчи участкаларда партия таъсирини янада кучайтиришга эришишлари, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини оширишлари керак.

Узоқ муддатли мелиорация программасини муваффақиятли амалга оширишда, беш йиллик план топшириқларини бажаришда уларни идеологик жиҳатдан таъминлаш, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг, оғзаки-сиёсий агитациянинг самарали ишлашига боғлиқдир. Газета ва журналлар, телевидение ва радио эшиттиришлари, пропагандистлар, лекторлар ва агитаторлар «Ривожланган социализмнинг такомиллашуви ва КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида партиянинг идеология иши» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида таъкидланганидек, идеологиямизнинг оммани коммунистик тарбиялашда, йирик миқёсли социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги актив, ўзгартирувчилик кучидан тўла фойдаланишлари керак. Социалистик мусобақанинг имкониятларини тўла-тўкис ишга солиш лозим. Чунки, у меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш натижаларига катта таъсир этади.

Ленинчи партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатига актив қўшилиш, партия планларини ўзининг жонажон иши деб қабул қилаётган совет кишиларининг олдинги сафларида бўлиш — ҳар бир коммунистнинг, областдаги барча меҳнаткашнинг шон-шараф ишидир.

# ҚАЛҚОН ВА ҚИЛИЧ

## БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 60 ЙИЛ ТЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН меҳнаткашлари республиканинг 60 йиллик юбилейини барча соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Мамлакатимизда вужудга келтирилган ягона халқ хўжалик комплекси барча миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ва социал ривожланиши, уларнинг бирлиги ва жипслиги, куч ва қудрати, бузилмас қардошларча дўстлигининг ишончли негизи бўлиб хизмат қилади.

Тарих Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши қаҳрамонона воқеаларга тўла бўлганлигидан далолат беради. Ағдариб ташланган эксплуататор синфлар ёш пролетар давлатининг тинч меҳнатига раҳна солиш учун ҳар қандай жиноятлардан тап тортмасдилар. Ёш республика тил бириктиришлар, қўпорувчилик, иғвогарликларга дуч келди. Янги тузум душманларининг яширин ҳаракати кўп ҳолларда очиқ қуролли қаршилик кўрсатишга ҳам айланиб кетарди. Қўпорувчилик ишларининг кўламлари, шакл ва услублари мунтазам ўзгариб турарди. Ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти революцияни ҳимоя қиладиган мустаҳкам қалқон ва энг ашаддий душманларни жазолайдиган ўткир қиличга эга бўлиши керак эди. Туркистон давлат хавфсизлиги органлари ЧКнинг отрядларидан бири сифатида ўзларининг актив, аниқ мақсадга қаратилган фаолиятини бошладилар.

Маълумки, Гражданлар уруши даврида Туркистон марказий Россиядан узиб қўйилган эди. Бу ўлкадаги ёш Совет ҳокимияти учун ниҳоятда оғир қийинчиликлар туғдирарди. Шунга қарамасдан Туркистон революционерлари, шу жумладан чекистлари Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

Давлат хавфсизлиги органлари ёш республикани интервентлар ва улар агентларининг кирдикорларидан ҳимоя қилиш имконини берган йирик операциялар ўтказдилар. Улар аксилинқилобчи босмачиларга қарши курашишга ҳам муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Чет эллик империалистлар босмачилар ёрдамида Туркистонни Совет Россиясидан ажратиб олишдан иборат режаларини амалга оширишга интилиб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлардилар. Империалистлар ўзларининг Қашқар ва Машҳаддаги консулликлари ҳамда ҳарбий қўмондонликлари, Бухоро амирлиги ва Туркистоннинг ўзидаги кенг разведка шахобчалари орқали босмачилар тўдаларининг бошлиқлари ва миллий-буржуа ташкилотлари билан доимий алоқада бўлардилар, уларнинг фаолиятини йўналтириб турардилар.

ЧК меҳнаткашларнинг ёрдамига таянган ҳолда босмачилар агентларини, босмачилар тўдаларига одам ёлловчилар ва қурол-яроғ етказиб берувчиларни фош этиш бўйича олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал этарди.

Масалан, Марғилон ва Андижонда чекистлар Қизил Армия сафига кириб олган собиқ офицерларнинг бир неча гуруҳини аниқлади ва қўлга туширди. Бу офицерлар қурол-яроғ, ўқ-дори ўғирлаб, буларни босмачиларга етказиб берардилар. Фарғонада ҳам босмачиларни қурол-яроғ билан таъминлаб турган иккита йирик ташкилот фош этилди. Чекистлар томонидан моҳирона ўтказилган операция «Миллий бирлашув комитети» аксилинқилобчи ташкилотини фош қилиш имконини берди.

1924 йил охирига келиб Туркистон, Хоразм ва Бухоро партия ташкилотлари РКП(б) Марказий Комитети раҳбарлигида кенг меҳнаткашлар оммасига таянган ҳолда Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказишга тайёргарликни муваффақиятли тугалладилар. Янги ташкил этилган Ўрта Осиё республикаларида давлат хавфсизлиги (ГПУ) органлари тузилди. Ўзбекистон ССР ташкил этилганлиги муносабати билан 1924 йил декабрь ойида Ўзбекистон давлат сиёсий бошқармаси тузилди. Унинг биринчи раиси қилиб М. И. Биксон тайинланди.

Гражданлар уруши ва ҳарбий коммунизм даври тугаб, Советлар республикасида хўжалик қурилиши бошланди. Аммо буржуа элементлари ҳамон фақат тил бириктирувлар ва исёнлар кўтариш йўли билангина эмас, шунингдек, давлат аппаратида, халқ хўжалигида қўшимча қийинчиликлар туғдириш йўли билан ҳам кирдикорларини давом эттиришарди.

Ўзбекистон чекистлари Коммунистик партиянинг кундалик раҳбарлиги ҳамда меҳнаткашларнинг актив ёрдами туфайли 20-йилларнинг охирларида саноат ва қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқларида ин қурган қатор йирик душман ташкилотларини аниқлаб, уларни йўқ қилдилар. Бу душман ташкилотлари ўз зараркунандачилик фаолиятларида темирйўлни издан чиқаришга алоҳида эътибор беришганди. Чунки ўша пайтда темирйўллар мамлакат марказини Ўрта Осиё республикалари билан боғлаб турган ягона халқа ҳисобланарди.

Ўзбекистон ОГПУ органлари темирйўллардаги ишнинг аҳволини синчиклаб ўрганиб, бу ерларда вужудга келган ғоят мураккаб аҳвол сабабларини аниқладилар. Маълум бўлишича, Тошкент темирйўли правлениесида аксилинқилобчи душман ташкилоти иш кўрар экан.

Коллективлаштириш бошланиши билан қишлоқда синфий кураш кескинлашиб кетди. Душман элементлари советларга очиқ қарши чиқа бошлади. 1928 йилдан 1934 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон чекистлари инглиз разведкасига қарши қатор муваффақиятли операциялар ўтказдилар.

Моҳирона планлаштирилган ва ўтказилган оператив тадбирлар туфайли давлат хавфсизлиги органларининг ходимлари 6 йилдан кўпроқ вақт мобайнида майор Хамбер раҳбарлик қилган инглиз жосуслик маркази ишини тўла-тўкис назорат қилиб бордилар. Хамбер томонидан Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган жосуслик резидентуралари йўқ қилинди, жосусларнинг ўзлари эса совет судига берилди.

1934—1940 йилларда республика чекистлари собиқ қўрбошиларнинг чет элдаги антисовет ташкилотлари билан жинояткорона алоқаларини аниқлаш ва бу алоқаларга хотима бериш бўйича иш олиб бордилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида чекистларга мураккаб вазифаларни ҳал қилишга тўғри келди. Ўзбекистонга мудофаа маҳсулоти ишлаб чиқарадиган талайгина корхоналар эвакуация қилинган эди. Кўпгина шаҳарлар ва аҳоли пунктларида Қизил Армия ҳарбий қисмлари тузилаётган эди. Озарбайжон нефти фақат Ўрта Осиё темирйўли орқалигина фронтга етказиб берилarди. Буларнинг ҳаммаси табиийки, Германия разведка маҳкамаларининг эътиборини жалб қилмасдан қолмасди.

Гитлер разведкасининг бизнинг фронт орқасини издан чиқариш бўйича барча уринишларига барҳам берилди. Бизга юборилган кўпгина қўпорувчилар ва душман агентлари аниқланиб, қўлга туширилди. Ана шундай қўпорувчи парашютчилардан иборат гуруҳ 1943 йил май ойида Қорақалпоғистон территориясида қўлга туширилди.

Республика чекистлари генерал Андерснинг поляк армияси штабида иш кўраётган инглиз разведкаси агентурасининг жосуслик фаолиятини фош этиш бўйича катта иш олиб бордилар. Маълумки, 96 минг кишилик бу армия Тошкент яқинида жойлашган эди. Лондон кўрсатмасига биноан поляк армиясининг реакцион қисми СССРни тарк этиб Яқин Шарққа ўтиб кетиш ниятида эди. Бунда чекистларнинг вазифаси генерал Андерсга бутун армияни чет элга олиб кетишга йўл қўймасликдан иборат эди. Улар бунинг уддасидан чиқдилар. Поляк ватанпарварлари СССРда қолишди ва кейинчалик Польша қўшинлари составида жанглар билан Варшава ва Берлинга етиб бордилар.

Хавфсизлик органларига шунингдек, Германияда иш кўраётган Ватан хоинларидан Вали Қаюмхон ва Мустафо Чўқаевларнинг актив антисовет фаолияти маълум бўлди. Бу хоинлар ўз атрофларида миллий элементларни тўплаб, баъзи ўрта осиёлик ҳарбий асирларни дўқ-пўписалар билан «Туркистон легиони» деб аталмиш қўшинга жалб этиш ҳаракатида эдилар.

Ўзбекистон давлат хавфсизлиги органлари «Туркистон комитети» режаларини аниқлаш ва фош этиш бўйича қатор оператив тадбирларни муваффақиятли ўтказдилар.

Урушдан сўнгги даврда давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилган ишда АҚШ ва Англия махсус маҳкамалари томонидан ёлланган ҳамда СССР территориясига ташланган гитлерчилар разведкаси агентларини аниқлаш ва қўлга туширишга, Ватан хоинларини қидириб топиш ва судга беришга катта эътибор берилди. Ўзбекистон давлат хавфсизлиги органларининг ходимлари партизанлар ва тинч аҳолига қарши жазо операцияларида бевосита иштирок этган «Туркистон легиони» команда составиаъзоларини қидириб топиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашди. Кейинги йилларда Ғарб томонидан қуролланиш пойгасига зўр берилаётган, империалистлар разведкасининг фаолияти кучаётган шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати душман кирдикорларини фош қилиш бўйича ҳамма чораларни кўрмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон мамлакатимизнинг муҳим стратегик ва сиёсий райони ҳисобланади. Республикамиз чет эллар билан кенг маданий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган. Бу душманнинг разведка ва бошқа махсус маҳкамалари эътиборини жалб қилмай қолмайди.

Империалистик давлатлар махсус маҳкамаларининг идеологик қўпорувчилик ўтказиш бўйича активликлари ортди. Душман марксча-ленинча идеологик таъсирни бўшаштиришга, инсонлар онгида ўтмиш қолдиқларини жонлантиришга, миллатчилик кайфиятини авж олдиришга уриняпти. Бунда миллатчилик кайфиятини жонлантириш ва кучайтиришга зўр берилмоқда, ёшлар ва ижодкор зиёлилар ўртасида иш олиб боришга алоҳида эътибор берилапти.

Империалистларнинг идеологик марказлари радиоэшиттирувлар географиясини мунтазам кенгайтириб бормоқдалар. Ўзбекистонга берилаётган эшиттиришлар ҳажми мунтазам кўпайиб бормоқда. Айниқса Мюнхенда жойлашган, асосан Ватан хоинлари ишлаётган «Озодлик» радиостанцияси катта активлик кўрсатяпти.

Давлат хавфсизлик органлари Коммунистик партия кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ўз фаолиятларида етарли сиёсий етукликка эга бўлмаслик оқибатида сиёсий зарарли ҳатти-ҳаракатлар қилаётган гражданларни тарбиялашга эътиборни кучайтирмоқдалар. Бунда Конституциямиз қонунлари доирасида ана шундай ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга, айниқса, катта эътибор берилади. Бу ишлар инсонпарварлик характерига эга ва СССР давлат хавфсизлиги органлари социалистик моҳиятининг ёрқин ифодасидир.

Кадрларни тарбиялашда ветеранларимизнинг роли каттадир. Улар бой тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўришни, уларга душманга қарши курашиш маҳоратини эгаллашда ёрдам беришни ўз бурчлари, деб биладилар.

СССР давлат хавфсизлиги органлари, шу жумладан Тошкент областининг чекистлари Совет давлати хавфсизлигини таъминлаш учун юксак масъулиятларини чуқур ҳис этган ҳолда меҳнаткашларнинг жуда кенг ёрдами билан социализм душманларига қарши курашда тўпланган тажрибани ижодий ривожлантириш, ўз фаолиятларини муттасил такомиллаштириб бориш учун актив чоралар кўрмоқдалар. Биз В. И. Лениннинг совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини империалистик кучларнинг қўпорувчилик хатти-ҳаракатларидан мустаҳкам ҳимоя қилиш керак, деган кўрсатмасини доим ёдда сақлаймиз.

**Т. ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлик комитетининг Тошкент области бўйича бошқармаси бошлиғи.**

# ТЎПЛАМ НАШР ЭТИЛДИ

«В. И. Ленин, КПСС миллатчиликка қарши кураш тўғрисида» тўпламининг учинчи, тўлдирилган нашри босмадан чиқди.

Тўпламга киритилган В.И. Ленин асарлари, КПСС ҳужжатлари буржуа миллатчилигининг реакцион моҳиятини ва сиёсий зарарлигини ишонтирарли тарзда фош этади. В. И. Ленин миллатчиликни буржуазия ғоявий аслаҳахонасидаги энг хатарли қуроллардан бири, деб ҳисобланган эди. Эндиликда буржуа миллатчилиги антикоммунизм ва антисоветизмни сингдириб олган турли идеологик оқимлар учун муштарак ғоявий негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам миллатчиликка ҳамда унинг кўринишларига қарши кураш шу қадар актуал ва муҳимдир.

Учинчи нашрда «В. И. Ленин миллатчиликнинг оппортунизм билан бирлашуви алоҳида хатарли эканлиги тўғрисида» деган янги бўлим бор. Тўплам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг, партия бошқа арбобларининг нутқлари билан, шунингдек марказий партия ташкилотларининг янги ҳужжатлари ва материаллари билан тўлдирилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

